



GOALS AND OBJECTIVES OF THE INTERNAL AUDIT OF COMMERCIAL BANKS IN THE CONDITIONS OF MODERNIZATION OF THE ECONOMY

Ismailov Azizbek Madaminovich

Independent researcher

Annotation: Uzbekistan, like other CIS countries, switched from a totalitarian system to a market economy system. By the end of the 90s, the market economy had passed into the conditions of liberalization, and this stage is still being implemented. In it, for the decision and development of legal civil society, auditors perform the tasks of approval in appropriate places and evaluate the results of economic management, including banking. The experience of reforms shows that auditors can and will be able to promote the construction of a legal civil society in Uzbekistan.

Keywords: accounting, banking, auditor.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИЧКИ АУДИТИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Исмаилов Азизбек Мадаминович

Мустақил изланувчи

Аннотация: Ўзбекистон бошқа МДҲ давлатлари сингари тоталитар тузумдан бозор иқтисодиёти тузумига ўтди. 90-йилларнинг охирига келиб бозор иқтисодиётини эркинлаштириш шароитига ўтиб олди ва ҳозирда ҳам шу босқич амалга оширилмоқда. Унда хукуқий фуқаролик жамияти қарор топиши ва ривожланиши учун аудиторлар ўринли жойларда тасдиқлаш вазифаларини бажариб, хўжалик юритиш натижаларини, шу жумладан банк фаолиятини баҳоламоқдалар. Аудиторлар Ўзбекистонда хукуқий фуқаролик жамиятини қуришга кўмаклашиши мумкинligини ва кўмаклаша олишларини ислоҳотлар тажрибаси кўрсатиб турибди.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, банк фаолияти, Аудитор.

Нафакат ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, балки умуман барча шароитларда аудиторлар банк тизимининг кузатувчиси сифатида ахборот хатарини камайтириши зарур. Бу вазифани бажариш текшириш натижаларига ва аудиторнинг профессионал мулоҳаза юритиш қобилиятига асосланган. Бу вазифани бажариш текширилаётган банк фаолияти (шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва йиллик молиявий натижалари) муайян мезонларга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хақида аудитор ўз фикрини билдириши билан ўз ниҳоясига етади. Буни қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин: Кенгайтирилган дастурда амалга ошириладиган банк аудити жуда мураккаблиги сабабли одатда назорат-тафтиш тадбирларини мутахассислар групхи бажариши керак, мутахассисларнинг ҳар бири банк соҳасида чуқур билимга эга бўлиши керак.


Масалан, банк аудитида банк соҳасини чуқур биладиган банк бухгалтери, кредит бўлими ходими ва ҳоказолар ёки бошқа соҳани аудитдан ўтказганда, ўша соҳа мутахассисларидан фойдаланиш мумкин.



Умуман аудитни ташкил этишнинг бундай шакли назорат самарадорлиги ва сифатини оширади, уни ўтказиш муддатини камайтиради, демак қўрсатиладиган хизматга кетадиган харажатини камайтиради.

1-чиズма

Аудиторнинг далолат бериш вазифалари¹



Бу вазифани бажариш учун аудитордан кенг профессионал ва ҳатто интеллектуал дунёқараш, юксак ахлоқий фазилат ва назорат ишининг маълум кўникмалари талаб қилинади.

Банк аудитининг муҳим вазифаларидан яна бири, ички банк сферасида одил рақобатни ташкил этишдан иборат. Бу кейинчалик кўпгина салбий оқибатларни олдини олади.

Аудиторлар хизматига одатда банк маъмурияти буюртма беради, аммо бу вазифанинг фойдаланувчилари жуда кўп. Масалан, бирорта банк фаолиятида бирор бир нуқсонлар юзага


¹ З.Т.Маматов "Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари" – Тошкент. ТМИ, 2004 й.



келиши, түлов қобилятигининг пасайиши ёки шунга үхшаш бошқа сабабларга кўра унинг ишончини йўқотиши ҳолларида аудит ўтказилаётган ўша банк бухгалтерия ҳисботовидан кенг доирадаги фойдаланувчилар (жумладан, учинчи шахслар (аудитор билан шартнома тузмаган бўлса ҳам)) аудиторларнинг далолат бериш хизматига зўр қизиқиш билдирадилар.

2-чиズма

**Аудит ўтказилаётган банк билан акциядорлар ва бошқа фойдаланувчиларнинг муносабатлари тизимида аудиторнинг
далолат бериш вазифаси.²**



Аудит банк фаолиятини таҳлил қилиш, шунингдек, уни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга доир вазифалар билан қўшилиб кетади. Аудиторларнинг барча хизматлари пул эвазига бажарилади, лекин бу банкларга ҳам, уларнинг молиявий аҳволига қизиқиб турувчи “Учинчи шахслар (мижозлари ва бошқалар)” учун ҳам фойдалидар.

Шу сабабли аудитнинг ташкилий-юридик ва иқтисодий асосларини ишлаб чиқиши ва уларни аудиторлик хulosаларидан фойдаланувчиларнинг кутишларидағи обьектив тафовутларни ҳисбога олиб такомиллаштириш лозим. Шунингдек, текшириладиган банк тизимининг маъмурияти аудиторлар олдига эҳтимол тутилган сустеъмоллик, ноконунийлик ва нотўғри фаолият юритиш фактларини ва уларнинг оқибатларини аниқлаш вазифасини қўйиши лозим.

Банкда амалга оширилаётган операцияларни балансда тўғри акс эттирилишини таъминлаш, бухгалтерия ҳисбини тўғри йўлга қўйишда, умуман банк фаолиятини самарали ишлашида ички аудит хизматининг роли муҳимдир. Шу боис ҳам барча тижорат банкларида ички аудит хизмати бевосита банк Кенгашига буйсундирилган ва банкнинг мустақил мақомга

² З.Т.Маматов ”Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари” – Тошкент. ТМИ, 2004 й.



эга бўлган хизматидир.

Ички аудит хизматининг асосий мақсади тижорат банкларининг кенгashi ва бошқарувига банк фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда унинг мақсадига эришишда кўмак беришдан иборат. Ички аудит хизмати ўзининг бундай мақсадига эришиши учун банк Кенгашини ўтказилган ички аудит натижалари асосида банқдаги реал аҳвол ва ички назоратнинг самарадорлигига доир тўғри ва объектив маълумотлар билан таъминлаш, ички аудит тизими ва ички аудит ўтказиш бўйича қабул қилинган процедураларни самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, банк фаолияти мақсадларига эришиш учун маъмурий ва операцион процедураларни самарадорлигини тавсифлаш, рискларни бошқариш процедуралари ва рискларни баҳолаш методларининг кўлланиши ва самарадорлигини тавсифлаш, молиявий ахборот тизимлари, шу жумладан элекtron ахборот тизими ва электрон банк хизматларини тавсифлаш, бухгалтерия ҳисоблари ва молиявий ҳисботларнинг ишончлилигин тавсифлаш, банк капитали рискларини баҳолаш билан боғлиқ бўлган капитални баҳолаш тизимини тавсифлаш, банк фаолиятининг амалдаги қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш, мунтазам ҳисботларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ўз вақтида тақдим этилишини текшириш, бухгалтерия китоблари ва молиявий ҳисботларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини ўрганиш, банк Кенгаши сўровига кўра маҳсус текширувлар ўтказиш ёки ўтказиша ёрдам бериш каби функцияларни бажариши лозим.

Ankara

Адабиётлар рўйхати:

1. З.Т.Маматов "Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари" – Тошкент. ТМИ, 2004 й.
2. "Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi O'RQ-677-sonli qonuni
3. "Moliyaviy hisobotlar auditini rejalashtirish" nomli 300-sonli auditning xalqaro standarti
4. "Audit and Assurance", F8 textbook 2022
5. K. Ahmadjonov, I. Yakubov. Audit asoslari fanidan darslik. "Iqtisod-moliya" nashriyoti. 2010-yil
6. N.Sanayev, R.Narziyev. Audit fani darslik. "Sharq" nashriyoti-matbaa ijodiy uyi. 2001-yil